Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган	№ 16 (65892) 1996 йил, 13 март, чоршанба	Сотувда эркин нархда

«ЁШМУХБИР» МУҲАРРИРИЯТИ: ЎЗИМИЗ ЁЗДИК, ЧИЗДИК, ТАҲРИР ЭТДИК, НАШРГА ТАЙЁРЛАДИК

Ёрқиной ТЎЛАНОВА, бош муҳаррир ўринбосари:

— Айтишларича, ижодкор осмонни йиғлатади, гулни кулдиради. Дилларга гўзаллик, самимийлик, бокиралик солгучи бу ижодкорнинг уммондай қалбидир.

Кўнглингиз шуури уммондай туйғулар билан тўлиб-тошсин.

Суҳробжон НОМОЗОВ, Адабиёт ва санъат бўлими:

— Азиз тенгдошларим, сизлардан биргина ўтинчим бор: ёшликдаги ҳар фурсатни ғанимат билинг. Ўқинг, ўқинг, янгиликлардан чўчиманг, ижодкор бўлинг. Яна китоб билан дўстлашинг. Китоблар бизни яхшиликка етаклайди, ҳаёт дарсини ўтайди.

Дилафрўз РАҲИМОВА, «Ёш мухбир» муҳарририяти бош муҳаррири:

— Орзу ва мақсад инсоннинг йўлчи юлдузи, маёғидир. Ҳар биримизнинг қуёш нуридай шаффоф орзуларимиз, тоғдек улуғ мақсадларимиз бўлсин. Эзгу ишлар, эзгу мақсадлар инсонни олисларга элтади. Ҳормай-толмай илм-фаннинг чўққиларига етайлик.

Ғайрат ХОРУНОВ, масъул котиб:

— Ҳаёт — бу каттакон бир шаҳар. Бу шаҳардаги илму маърифат, яратиш ва изланувчанлик бизнинг қўлимизда.

Қадрли ўқувчилар! Юқоридаги жумлалар сизга яхши таниш бўлиши керак. Чунки келажакда журналист бўлишни орзулаган, бу йўлда тинимсиз изланаётган иқтидорли, ижодкор тенгдошларингиз газетанинг бир сонини ўзлари мустақил нашрдан чиқаришлари «Тонг юлдузи»нинг ўзига хос анъаналаридан бирига айланиб қолган.

Бу гал Тошкент шаҳридаги Республика Нафис санъат лицейининг 10«А»-синф ўқувчилари ана шундай ташаббус билан чиқишди. Дилларида қайнаб-тошган истеъдод булоғи сарчашмаларидан газетхонлар — тенгдошларини баҳраманд қилиш мақсадида бир даста қўлёзмалар билан муҳарририятимизга кириб келишди. Бир сўз билан айтганга, «Тонг юлдузи»нинг бугунги сони — ёш қаламкашларининг ижодлари, ҳис-ҳаяжонлари, кўрган-кечирганларидир.

Газетамизнинг бу сонини улар ўзлари ёзишди, чизишди безашди ва нашрга тайёрлашди. Уларнинг журналистик маҳоратларини баҳолаш эса, сиз, азиз муштарийларимиз ҳукмига ҳавола.

Фикр-мулоҳазаларингиз, таклиф ва истакларингиз битилган мактубларингиз ижодкор тенгдошларингиз камолотида муҳим ўрин тутишини унутманг! Шунингдек, улар ишларининг давомчилари бўлишингизни истардик. Ҳар бир вилоятда журналистикага қизиққан тенгдошларингиз таҳсил олаётган экан, марҳамат, газетамизнинг келгуси сонлари уларнинг битикларига мунтазир.

Гулноза ТУРСУНОВА, «Нилуфар» клуби:

— Орзулар — инсон юрагидаги энг буюк туйғу, унинг қўш қаноти. Ана шу туйғу инсонларда келажакка бўлган комил ишончни шакллантиради. Тенгдошларимнинг сароб бўлмас орзулар қанотида парвоз қилишларига тилакдошман.

Ирода ҒАНИЕВА, «Истеъдод» бўлими:

— Ҳар нарсага нур берувчи истеъдод чироғи. Яна кимда иқтидор йўқдур, нақти ҳам кетар қўлдан. Тенгдошларимнинг кунларида, тунларида улуғ ниятлари ҳамроҳлари бўлсин.

Малоҳат КАРИМОВА, «Фан техника» бўлими:

— Инсон гўзалликка интилиб яшайди. Ҳаётда учрайдиган айрим воқеалар уни ана шу чўққи сари даъват этади. Бу чўққи ўзида маънавиятни акс эттиришини ҳар биримиз англамоғимиз лозим.

Фарида МАҲКАМОВА, «Мактаб ва болалар ҳаёти» бўлими:

— Яшаш қандай завқли! Айниқса, маъсум болалик! Йил сайин улғаяркансан. Аммо болаликдан ажралгинг келмайди. Тотли хотираларгина бунга малҳам бўларкан.

ФАХР

(лицейимиз ҳақида)

Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган қувончли кунларда, яна бир муъжазгина билим даргоҳи ташкил қилинди. Унга республика Нафис санъат лицейи, деб ном берилди. Ушбу илм даргоҳида иқтидорли, зеҳнли, билимга чанқоқ, маълум маънода келажак ҳаёт йўлларини танлаб олган ёшлар таълим оладилар. Ўқувчилар 4 хил йўналиш бўйича: адабиёт, тарих, санъат, инглиз тили гуруҳларига бўлинган ҳолда ўқийдилар.

Мен ҳам ана шу лицей толибаси эканлигимдан фахрланаман. Пухта билим олишимиз учун барча шароитлар муҳайё этилган. Ҳар бир кунимиз серзавқ, сермаъно ўтади. Байрамларга бағишланган турли хил қувноқ кечалар, саводхонлик викториналари, зукколар беллашувлари, спорт мусобақалари уюштирамиз. Taниқли шоирлар, ёзувчи ва рассомлар, фан арбоблари билан бўладиган учрашувлар биз учун бир байрамдек. Сиёсий шарҳловчимиз Қобилбек Каримбеков ҳар ойда бир бор келиб, бизни дунё воқеалари, уларнинг моҳияти билан таништириб турадилар. Севимли бобомиз, навоийшунос олим Иззат Султон лицейимизга меҳмон бўлиб келиб, Президентимиз совға қилган чопонни бизнинг даргоҳда кийганларида, севинганимизни айтмайсизми?!

Лицейимизнинг собиқ ўқувчиси Дилфуза Шодиёрова ҳозирги кунда ёзувчилар уюшмасининг аъзоси эканлигидан фахрланиб юрамиз. II-синф ўқувчиси Динора Нурмуҳамедова ўқишни Америкада давом эттиряпти. Лицейимиз битирувчиларининг деярли 98 фоизи ҳар йили турли ўқув юртларига кириб ўқишга муваффақ бўлаётганликлари ҳам биз учун Ифтихор!

Лицейимизнинг ўз герби, байроғи ва мадҳияси бор. Каттагина кутубхонамиз ҳамда фақат инглиз тилидаги китоблардан ташкил қилинган митти кутубхоначамиз ҳам бор. Бизга америкалик ўқитувчимиз Меган Филипс қизиқарли китобларни танлашимизда ёрдамлашадилар.

Давлатимиз биз ёшларга шундай ғамхўрлик қилаётган экан, бунга жавобан муносиб ўғил-қизлар бўлиб етишишга ҳаракат қиламиз. Эндигина ривож топаётган Ўзбекистонимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшажакмиз.

Дилафрўз РАҲИМОВА.



КОМИЛЛИК

Ажаб... Дилим шаффоф янглиғ нурафшон ҳолда туғён урмоқда. Бу туғённи ногоҳ ҳис этарканман, вужудимдаги тириклик мени ҳақиқий инсон бўлишимга даъват этади. Бу даъват дилимга ҳеч ором бермайди. Атрофимдаги минг турли инсонларга боқиб, уларнинг ҳаётда нималаргадир интилиб яшаётганликларини англайман ва ногоҳ ўз-ўзимга савол бераман: хўш, мен-чи, мен. Нимага интиляпман? Орзу-маслагим борми? Ички бир ҳиссиёт шу ондаёқ жавоб қайтаради: Интилганим — Комиллик!

Адоват дилимни кемирса ёхуд,
Иш қилсам қалби хўб ҳуфтонларга хос.
Эзгулик ўйимда бўлса гар нобуд,
Мен Комил инсонга эмасман ҳеч мос.

Фарида МАҲКАМОВА

Ватан остонадан бошланади. Чунки ана шу остонадан илк бор ҳатлаб Ватан сарҳадларини ҳис қиламиз. Қаршимиздаги кўкси самони тешгудек сервиқор тоғлару замин бағридан умид-ла бош кўтарган чечаклар билан юзма-юз келамиз. Она замин, унинг мафтункор гўзалликлари шайдоси бўламиз. Қалбимизда беихтиёр она Ватанга меҳр-муҳаббат ҳислари ниш уради. Бу ҳиссиёт шунчалар қудратга эгаки, Ватан тупроғи учун керак бўлса, ҳаттоки жонимизни беришга ҳам тайёр турамиз.

Ватан... тириклик, эзгулик, матонат демакдир. У юраклардан абадий макон топган. Ҳар инсон киндик қони тўкилган тупроқ учун жисму жонини бахшида эта олса, уни севиб ардоқласа, шундагина Ватанга асл фарзанд бўла олади. Ватан тупроғидан унган янтоғу саксовулнинг ислари мен учун атиргул ифоридек муаттардир.

Болалигим, ёшлик онларим кечган қадрдон қишлоғим, тўлиб-тошиб оқадиган анҳор, тупроқли сўқмоқлар, ҳар бир гиёҳ мен учун азиз ва қадрли. Юртимизнинг ёзлари-ю хазонрезги кузлари, ютуқлари-ю камчиликлари — бари-бари менга дахлдордек. Ватаним тақдирига нелар ёзилган бўлса, улар менинг юрагим қатларига маржон янглиғ тизилгандек туюлади.

Зеро, биз Турон фарзандлари, томирларимизда буюк аждодларимизнинг табаррук ва жўшқин қони жўш урмоқда.

Тарих сарҳадларин варақлаб аста,
Ғуруру гуссага дил тўлар ногоҳ.
Чорлайди ҳимматга, эзгу ишларга
Кабатуллоҳ янглиғ буюк саждагоҳ —
Ватаним ҳур Туркистон!

Она Туркистон! Гоҳ яхши, гоҳ ёмон кунларни бошингдан кечирдинг, асрлар оша қора кўланкалар остида заиф қолдинг. Шунга қарамай ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман фарзандларинг қардошлигу жипсликларини йўқотмадилар. Уз тили, дини ва қадрини кўкрак кериб эъзозлашга шайландилар. Ҳа, она юртим, энди сен мангу муштараксан!

Ирода ҒАНИЕВА,
Андижон вилояти,
Марҳамат туманидаги
23-мактабнинг 10 -«А» синф ўқувчиси.

Менга жуда ёқди

Лицейимизда муъжазгина бир кутубхона бор. У ерда фақат инглиз тилидаги китоблар жамланган. Америкалик ўқитувчимиз Меган Филипс кутубхонани бошқарадилар. Шуниси қувончлики, шу муъжазгина хона доимо ўқувчилар билан гавжум бўлади. Турли хил фантастик китобларни мароқ билан ўқишни ёқтирамиз, тушунолмай қолган жойларимизни Меган Филипсдан сўраб оламиз. Устозимиз билан узоқ-узоқ суҳбатлашамиз, чет эллик тенгдошларимиз ҳаёти билан қизиқамиз:

— Узбекистонга келганимга 2 йилдан ошди. Бу юрт ҳақида анча-мунча тасаввурга эгаман: Одамлари очиқкўнгил, табиати хушманзара, ҳавоси мусаффо, жаннатмакон бир ўлка. Лекин бир нарса мени кўп ўйлантиради. Узбек аёлларига жуда оғир экан. Давлат ишидан қайтгач, уй-рўзғор юмушлари, болалар тарбияси, хуллас бари-бари аёллар зиммасида эканлигини кўриб, ачиниб кетаман. Биргина кечки овқат тайёрлаш учун кам деганда 3 соат вақтлари кетар экан. Бизда эса бу иш учун атиги 2-3 дақиқа талаб қилинади, холос.

— Ўзбекистонимиз келажаги буюк бўлиши учун биз ёшлар нималар қилишимиз лозим?

— Бунинг учун пухта билим олишингиз, янгиликлардан чўчимаслигингиз, тадбиркору ишбилармон бўлишингиз, яна ўз меҳнатингизнинг қадрига етишингиз керак. Узбек халқи жуда ақлли, донишманд халқ. Лекин улар қандайдир бир қолипга, тизимга тушиб қолгандек. Сиз ёшлар ана шу қолип доирасидан чиқиб кетишингиз керак, деб ўйлайман.

— Ёшларимиз хусусида ҳам гапиринг.

— Узбекистонлик ёшлар менга жуда ёқди. Дарс пайтида синфга кирган ўқитувчини ёки ким бўлишидан қатъий назар ҳурматлаб ўринларидан туриб, қарши олишар экан. Америкалик ўқувчилар эса ўриндан туриб, салом бериш у ёқда турсин, ҳатто йўл ҳам бўшатишмайди. Сизлар каби синф хоналарини ўзлари тозалашмайди. Кўпчилиги ҳатто пистолет ва бошқа хавфли қуроллар ҳам олиб юришади. Ёшларингиз орасидаги илмга чанқоқлик мени ҳайратга солди. Лекин орангизда дангасалар ҳам йўқ эмас.

— Мана сиз лицейимизда дарс берасиз. Айтингчи, нима қилсак, лицеймиз қадри янада ортади?

— Уйлашимча, бунинг учун икки йўл бор: янада пухтароқ билим олишингиз, ортиқча нарсалар ўрнига кўпроқ керакли фанлар қўшилиши, яна ўқитувчилар маошларини ошириш лозим. Шундагина, нафақат лецейингиз, балки юртингиз ҳам тезда жаҳон миқёсида ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди.

Дилафрўз МУРОДОВА суҳбатлашди.

Тошкентдаги 132-мактабда Фарида Ҳайдарова раҳбарлик қилаётган «Гўзал» дастаси бор. Даста «Илҳом чашмалари» танловининг ғолибидир. Туман, шаҳар миқёсидаги ҳеч бир тадбир «Гўзал»нинг раққоса қизларисиз ўтмайди.

Айни кунларда ёш раққосалар Наврўз байрамига атаб катта дастур ҳозирлашяпти.

Р.АЛЬБЕКОВ суратга туширган.

ДЎСТЛАРИМИЗ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Бир куни лицейимизга АҚШнинг Виржиния штатидан келиб, жаҳон тиллари университетида дарс бераётган Жозеф Гарнер меҳмон бўлди. Лицеймиз ҳаёти, шарт-шароитларимиз билан танишди, бизлар билан узоқ суҳбатлашди. Уни ҳамма-ҳамма нарсалар қизиқтирарди: ўқишларимиз, дарсдан ташқари машғулотларимиз, қизиқиш ва интилишларимиз, орзуларимиз, ҳатто уй шароитларимиз ҳам. Шу тобда инглиз тилини пухта ўрганганлигимиз жуда асқотди. Меҳмоннинг саволларига ўз она тилида бурро-бурро жавоб қайтардик. Уз навбатида, Жозеф Гарнерни ҳам саволларга кўмиб ташладик. Биринчи саволимиз Узбекистонимиз хусусидаги фикрлари ҳақида бўлди:

— Тўғриси, Узбекистонга келаётганимда дастлаб жуда хавотирландим. Чунки бу диёр, унинг халқлари, тили, урф-одатлари ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмасдим. Бу ерга келгач эса, шубҳаларимнинг бутунлай асоссиз эканлигига амин бўлдим. Узбек халқи жуда меҳмондўст, самимий, дили пок халқ экан. Шундай халқ фарзанди эканлигингиздан фахрлансангиз арзийди. Узбекистоннинг мусаффо осмони, беназр халқи, тарихий обидалари-ю ажойиб урф-одатлари бизда катта таассурот қолдирди.

— Лицеймиз ва ҳозирги кунда республикамизда кўплаб ташкил қилинаётган бундай билим масканлари хусусида қандай фикрдасиз?

— Ҳа, диёрингизда турли йўналишдаги лицейларнинг кўплаб ташкил қилинаётганига қувончли, албатта. Биз тез-тез у ердаги ўқувчилар ҳузурида учрашувларда бўлиб турамиз. Уларнинг иқтидору истеъдодларига фақат ҳавас қилиш мумкин. Ишонаманки, ораларингиздан Улуғбек, Хоразмий, Бобур, Навоий, Берунийларнинг муносиб аждодлари етишиб чиқгай.

— Америкалик тенгдошларимиз ҳақида ҳам билишни истардик. Биз билан улар орасида қандай ухшашлик ва қандай тафовутлар бор?

— Ёшларимиз орасида анчагина фарқ бор. Узбекистон болаларининг ота-онаси, устози, умуман, катталарга нисбатан бўлган ҳурмат-эҳтироми мени лол қолдирди. Яна, жуда меҳнатсевар экансизлар. Бизда ҳар бир ўғил-қиз 16 ёшга тўлиши билан у мустақил саналади, ўз ҳаётларидаги муоммаларни ўзлари ҳал қилишлари, ҳатто машина ҳайдашлари ҳам мумкин. Кўпчилиги ота-оналаридан машина олиб беришни талаб қиладиган, эркатой болалар. Бизда ҳаёт кечириш оғир!

— Имконият туғилса, Узбекистонга яна келасизми?

— Албатта. Чунки менга бу ўлка жудаям ёқди. Уни янада гуллатиш сиз-ёшларнинг қўлингизда.

Суҳбатдош Моҳира ТОШМАТОВА.

ЎНУТИЛМАС ДАМЛАР

Мактаб даври болаликнинг энг жўшқин, такрорланмас, сарғузашту қувончларга бой давридир. Яна кўп нарсаларни тушуниб етадиган, орзулар осмонида қулоч ёзиб, парвоз қиладиган, уларга етишиш йўлида тинмай изланадиган, кимнидир пинҳона севиб қолиб, хаёлан у билан тотли суҳбатлар қурадиган, суратига узоқ-узоқ термуладиган давримиздир. Йўлакдан ўтиб кетаётган йигитни кўрсатиб, дугонасига нималардир деб шивирлаётган шўх қизлар, синфдош қизнинг рўпарасига ўтириб олиб, унинг ҳар бир ҳаракатини кўз узмай кузатаётган «Фарҳодлару», ўзига кимдир тикилиб қараётганини сезиб, юзлари хиёл қизарган «Ширинлар»...

Кейинчалик бу беғубор дамларни эслаб, кимнинг юраги орзиқмайди, дейсиз?! Ҳадемай бизнинг ҳам ўқувчилик йилларимиз ортда қолади ва биз учун ҳам тотли хотиротга айланиб қолади.

Гулноза ТУРСУНОВА,
Андижон шаҳри.

Кўнгил сирлари

У дугоналари билан гурунглашиб, овқатланиб ўтирарди. Бирдан оғзига олиб борган қошиғини қайтариб косага солди-ю юзлари гуноҳкор одамдек қизариб кетди. Ҳозиргина кулишиб ўтирган дугонасининг ҳолатидан қизлар ажабланиб, сўроққа тутдилар:

— Ҳа, Гулноз, нима бўлди? — сўради Муяссар сабри чидамай. Гулноз нигоҳлари билан рўпарада ўтириб олиб, кўзларини узмай унга қараб турган йигитни кўрсатди ва тезлик билан кўзларини олиб қочди. Шу кундан бошлаб уни ҳар ерда, ҳар доим бир ўтли нигоҳ таъқиб қила бошлади. Мактабда ҳам «Шавкат Гулнозни севиб қолибди» деган миш-миш тарқалди. Деворларнинг кўз илғамас ерларида «Гулноз» деган ёзув пайдо бўлиб қола бошлади. Бир куни дарсдан сўнг ёлғиз ўзи уйга қайтаётган Гулнозни Шавкат тўхтатиб, сўз қотди:

— Гулноз, бир зум тўхтагин, сенда гапим бор эди.

Гулноз эса югурганча ётоғига кириб кетди. Бу ҳол бир неча бор такрорланди. Лекин Шавкат ҳар сафар рад жавобини олаверди. Шундай бўлса-да, Гулнознинг кетидан қолмасди.

Ётоғида ёлғиз қолган Гулноз оғир ўйга толди. Уни ўқишга кузатаётиб онасининг қилган насиҳатлари хаёлидан нари кетмасди: «Она қизим, барча умидим сендан. Сен тўнғичимсан. Сингилларинг ҳам ортингда эргашишларини ёдингда тут!» Қолаверса, асосий вазифаси илм олишдан иборат эканлигини, ўқишдан чалғиб кетса, баҳолари пасайиб, синфдошлари орасида гап-сўз ҳам бўлиши мумкинлигини ўйлади-да, қўлига қалам билан қоғоз олди. Оппоқ қоғозга қуйидаги сатрларни битди:

Ранжитмоқчи эмасдим,
Сендай йигит кўнглини.
Айтишга мажбур этдинг,
Севмаслигим сирини.
Қайтишда йўлларимда,
Интизор бўлиб кутма.
Чунки менинг ҳам ўзга,
Орзуим бор, унутма!..

Гулнознинг мактубини ўқиб чиққач, Шавкат хомуш тортиб қолди. «Ўз орзулари борлиги учун сева олмас экан, мен эса орзуларим борлиги учун ҳам СЕВАМАН!» шивирлади ўз-ўзига.

Инобат ИМОНҚУЛОВА,
Оҳангарон тумани.

КЕЛАЖАК БИЗНИКИ ЭМАСМИ?

Ҳар гал чорак якунида она қишлоғимга соғинч ва ҳаяжон билан ошиқаман. Ота-онанг, опа-сингилларинг, қадрдонларинг билан дийдорлашувга не етсин?! Бу гал ҳам шундай бўлди. Одатимга кўра қандайдир тотли ҳаяжон билан ўзим ўқиган қадрдон мактабим сари талпиндим. Синфдошларим, устозларим билан кўришдим, узоқ-узоқ суҳбатлашдик, ўқишларим, машғулотларим, қисқаси, лицейдаги ҳаётим ҳақида тўлқинланиб гапириб бердим. Шунда дугоналаримдан бири хомуш тортиб қолди. Сабабини суриштирдим:

— Эҳ нимасини ҳам айтай?— деди у оҳиста сўз бошлаб. — Мана сен шаҳарда таҳсил оляпсан. Астойдил ўқиб, келажак ҳаётингга пухта замин ҳозирлаяпсан. Тўғриси, сенга жуда ҳавасим келади. Қишлоғимиз болалари ҳақида ўйласам, хафа бўлиб кетаман. Ўқишга иштиёқлари сўниб кетган. Келажакда бирор касбни эгаллаб, ўз ўринларини топиш ҳақида қайғуришмайди. Умрларини фақат далада ўтказишни ният қилишгандек, барчаси. Билим олишимиз, ҳунарли бўлишимиз учун қишлоғимизда ҳам шароитлар етарли. Устозларимизнинг саъйи-ҳаракатларига қарамай, айрим болаларда ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Эртанги кун — келажак бизларники эмасми, ахир! Келажакка эса ўқимишли, билимдон ва зукко ёшлар керак!

Дугонамнинг ўринли саволларига қандай жавоб қилишни ҳам билмай қолдим. Сиз нима дейсиз, азиз тенгдошлар?

Фарида МАҲКАМОВА,
Сирдарё вилояти,
Оқолтин туманидаги
Имон Ота қишлоғи.



ҲАЛИ-ҲАНУЗ КУЛАМАН

Уша куни ҳар галгидан барвақтроқ уйғондим, ювиндим, сочларимни турмакладим. Ойнага қарасам, ўзимга ёқмади, яна бошқатдан тарадим. Чиройли кўйлагимни кийдим. Бугун синфдошларим билан эсдалик учун суратга тушамиз. Шу пайт кўча тарафдан овоз келди. «Бор қизим, сени чақиришяпти», дедилар ойим. Синфдошларим Динора, Диёр, Дилноза ва Шоҳруҳлар келишибди. Биргалашиб мактабга ошиқдик.

Маслаҳатлашиб, суратхонада эмас, табиат қўйнида суратга тушишга келишдик. Кимдир сув бўйида тушамиз деса, яна кимдир мажнунтол тагидаги ўриндиқда тушайлик, деди. Хуллас, фавворанинг олдида расмга тушадиган бўлдик. Эндигина жойлашиб олгандик ҳамки, бир бола ҳазиллашиб мени фаввoранинг ичига туртиб юборди.

— Вой, во-... дейишга ҳам улгурмай, шалоплаб йиқилиб тушдим. Эссизгина чиройли кўйлакларим. Бир соат уннаб турмаклаган сочларим ҳам тўзиб кетди. Бу ҳам майли-я, суратка ш сувга тушиб кетаётган вақтимни суратга олишга улгурган экан...

Ҳали-ҳануз синфдошларимни соғинган, зериккан онларимда ана шу суратга боқиб, ҳузур қилиб куламан. Истасангиз, ўша расмни сизга ҳам кўрсатаман. Кула-кула... Ана шунақа гаплар!

Раъно УМИРОВА.

СИНФДОШИМГА

Севинчни ҳам бирга кўрганмиз баҳам,
«2»лар ўртада, ҳатто «5»лар ҳам.
Доим бирга эдик бўлиб кўзу-қош.
Аҳволларинг қалай, азиз синфдош?
Йиллар ўтиб борар, бир-бирин қувлаб,
Гоҳ уришдик, гоҳо кимнидир севиб.

Хайрлашув они, йўллар ҳам айри,
Унутмасанг бўлди, азиз синфдош.
Бирга бўлган дамлар, экан билсак бахт,
Тотли онлар эслаб, гоҳо кўзда ёш.
Дилингда балқисин, меҳр қуёши,
Унутмасанг бўлгани, азиз синфдош!

Алгебра дарси бўлиши керак эди. Ўқитувчимиз ҳаяллаб, ҳадеганда келавермадилар. Кутавериб зерикдик. Шунда Отабек исмли бола билан шўхлигимиз тутиб, ҳазил қилмоқчи бўлдик. Синфимизда Юнус исмли бақалоқ бир бола бор эди. Ўшанинг ўтирадиган стулига кнопка қўйиб, ҳеч нарса билмагандек ўтиравердик. Шу пайт Юнус кириб келди. Иккимизнинг кўзимиз унда. У болалар билан саломлашиб, жойига бориб ўтирди. Биз уни ҳозир «вой-вой»лаб ўрнидан туриб кетишини кутгандик. У эса миқ этмай ўтираверди...

Шу пайт ўқитувчимиз кириб келдилар. Дарс бошланди. Орқамизга ўгрилиб, Юнусга қарайверганимиз учун муаллимдан танбеҳ ҳам эшитиб олдик. Қулоғимизга дарс кирмасди.

Қўнғироқ чалинди. Юнуснинг туришини пойлаб, югуриб бориб ўрнига қарадик. Буни қарангки, кнопка қайрилиб кетган эди. Қилган қўпол ҳазилимиз учун узр сўрашни ҳам, сўрамасликни ҳам билмасдик.

Мунира ТОҲИРОВА,
Навоий вилояти.

Сиз кутган учрашув

«ШАЙТАНАТ»НИ ЎҚИБ...



Севимли ёзувчимиз Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» номли детектив асарини ўқигандирсиз. Биз ҳам бу китобни бутун синфимиз билан бирга қўлма-қўл қилиб ўқиб чиқдик. Китобдаги воқеаларнинг бир-бирлари билан узвий боғлиқлиги, ривожи ҳар биримизни сеҳрлаб қўйгандек эди гўё. Кейин эса устозимиз билан биргаликда адабиёт дарсида китобнинг таҳлилини ўтказдик. Фикр-мулоҳазалар, таассуротлар турлича бўлди. Таҳлил сўнгида барчамизнинг фикримиз бир жойдан чиқди: «Шайтанат» романи ўзбек адабиётида ёзилган энг зўр детектив асар, деган хулосага келдик. Шунда, ана шу ажойиб асарни бизга тақдим қилган севимли ёзувчимиз Тоҳир Малик билан суҳбатлашиш иштиёқи туғилди.

Келинг болалар, яхшиси сиз ҳам суҳбатимизга бир қулоқ тутинг-а!

— Тоҳир ака, ижодингиз мухлиси сифатида яхши биламизки, сиз кўпроқ фантастик асарлар ёзардингиз. «Шайтанат» романини ёзишингизга нима туртки бўлди?

— Авваллари кўпроқ фантастик асарлар ёзардим. Лекин бу асарни ёзиш ҳам осон кечмади. Бирон бир асарингизнинг ўқимишли чиқиши учун албатта ўша асар қаҳрамонлари билан бирга яшашингиз керак. Бунгача бир қанча шунга ўхшаш асарлар яратганман. Ниятим, ўзбек адабиётини жаҳонга олиб чиқиш.

— Асарингиздаги Асадбек образининг яратилиши ҳақида ҳам гапириб беринг.

— Асадбек — бу умумлашма образ. Икки-уч одамнинг хислатларини жамлаб, бир образ яратганман. Анвар образи эса тўлиқлигича олинган. У менинг дўстим эди. Бу ҳақда китобимнинг муқаддимасида тўхталганман.

— Айтинг-чи, салбий образларга исм танлашда қийналмайсизми?

— Кўз олдимга бир одамнинг қиёфасини, характерини келтириб, батафсил ёритаман. Ўзи билиб қолмаслиги учун исмини ўзгартираман, холос.

— Кейинги пайтларда ўзбек адабиётида жуда кўплаб асарлар яратиляпти. Нима учун улардан ҳеч бири жаҳон адабиётига чиқа олмайди?

— Жуда яхши савол бердингиз. Бунинг энг катта сабаби — бизда таржимонлар йўқлигида. Чет тили у ёқда турсин, ҳатто рус тилига таржима қиладиган таржимонлар ҳам йўқ. Ваҳоланки, жаҳон адабиётидаги кўпгина асарларни ўзбек адабиётига қиёсласак, жаҳон адабиёти қолиб кетади.

Яна бир сабаби — авваллари, қарамликда яратилган асарларимизнинг бирортаси ҳам чет элни қизиқтирмайди. Колхоз, партия, коммунизм ҳақидаги асарларни ёқтиришмайди улар. Мана шу 70 йиллик қарамлик адабиётимизнинг жаҳон миқёсига чиқа олмаслигига сабаб бўлди. Чет элликлар кўпроқ тарихий мавзудаги яхши асарларни, саргузашт ва фантастикани зўр қизиқиш билан ўқишади. Шуниси ачинарлики, тарихимизни чет элликлар биздан ҳам кўра кўпроқ, яхшироқ билишади. Ўша даврда олийгоҳларда талабаларга «атеизм», яъни «худосизлик» дарслари ўтилган. Мен бу ҳақда ҳам китобимда тўхталганман.

— Тоҳир ака, ижодкор ёшларимиз хусусида қандай фикрдасиз?

— Мен бир тўгарак очгандим. Унга сизлар қатори ўғил-қизлар аъзо бўлишган. Яхшигина қалами бор ижодкор болалар талайгина. Лекин улардан айримлари бир оз қатнаб, кейин келмай қўйишади. Сабабини сўрасам «ўганиб олдим-ку» деб қўйишади. Истардимки, келгусида халқ севган ижодкор бўлишни орзулаган ўғил-қизлар ўз устиларида ёшликданоқ кўпроқ ишлаб, қаламларини чархлай борсинлар. Яна, юртимиз тарихини ўргансинлар. Шундагина ўқимишли асарлар яратишлари мумкин. Ҳаётдан четлаб ёзилган асарнинг эса умри жуда қисқа бўлади. Зеро, келажагимиз, эртанги кунимиз олдида ёшларимиз бурчлидирлар.

— Мароқли суҳбатингиз учун, ташаккур!

Суҳбатдош Дилафрўз РАҲИМОВА.

ЖУҒРОФИЙ ТОПШИРИҚ



Азиз ўқувчилар! Қуйида таърифланган номлар шаклдаги «Ана» сўзи билан тугайди. Жавобларни рақамли хонадан марказ томон ёзиб, машқни ҳал этинг.

1. Африканинг жанубидаги давлат. 2. Республикамизнинг Навоий вилоятидаги шаҳар. 3. Бразилия ва Аргентинадан оқиб ўтувчи дарё. 4. Туркиянинг жанубидаги шаҳар. 5. Жанубий Американинг шимоли-марказидаги кичик мамлакат. 6. АҚШ шимолидаги штат. 7. Кичик Антил оролларидаги пойтахти Розо шаҳри бўлган давлат. 8. Камчатка ярим оролидаги дарё номи билан аталувчи марказий шаҳар. 9. Европадаги давлат пойтахти. 10. Жанубий Америкадаги мамлакат. 11. Вест-Индиядаги ороллардан таркиб топган давлат маркази. 12. Ғарбий Африкадаги мамлакат.

Ф. ОРИПОВ тузган.

Дунё океанларида яшовчи китларнинг 100 га яқин турлари мавжуд. Уларнинг ошқозони жуда катта бўлиб, йирикларининикига 1000 литр сув бемалол сиғаверади. Унинг тузилиши ҳам жуда мураккаб, уч бўлимдан иборат экан.

Чумчуқ танасининг ҳарорати 44 даража бўлиб, унинг томири бир дақиқада 860 марта уради. Бу қуш асосан дон билан озиқланса-да, болаларини ҳашаротлар билан боқади. Бир қарашда одамга нисбатан 50 марта кўп нарсани кўради ва бир соатда 35 километрга уча олади. У 1 лаҳзада 13 марта қанот қоқади.

Япониянинг Синояль тажриба станциясида селлекционерлар улкан помидор «дарахти»ни яратдилар. Бу дарахтдан 2934 та пишган помидор териб олинди. Унинг баландлиги 3 метр бўлиб, танасининг диаметри 15 сантиметрдир. Бу «дарахт» ҳозир икки ёшга кирди.

Энг паст бўйли қабила экваториал ўрмонларда яшовчи Пичмей қабилалари бўлиб, улар бўйининг узунлиги атиги 135-145 сантиметрдир. Энг баланд бўйли қабила нилот қабиласидир. Уларнинг бўйи 215 сантиметр. Суданнинг жанубида яшашади.

Кунлардан бир куни икки лофчи учрашиб қолишибди. Олтиариқлик Али лофчи бешариқлик Вали лофчига шундай дебди:

— Менинг бир чипор товуғим бор эди. Бир куни тухум қўйибди, нақ тарвуздек келади. Ҳозир тушликка ана шу тухумни қовуриб едик. Бутун оиламиз туйди, яна ортиб ҳам қолди.

— Тарвуздеккина тухум қилган товуқни ҳам боқиб юрибсанми? Сўйиб юбор уни. Мана менинг товуғим ҳар куни беш маҳал тухум қўяди. Ҳозир ҳам дарвозанинг тагига тухум қўйибди. Уйга киролмай ўтирибман.

* * *

Асакалик лофчилар избосканлик лофчиларга мақтанишибди:

— Бизнинг жамоамизда битта лавлаги ўстириляпти. Унинг барги соясида барчамиз тушлик қиламиз.

Избосканлик лофчилар ҳам бўш келишмади:

— Бизнинг жамоамизда бир қозон ясаляпти. Бир қулоғидаги чилангарлар эрталаб болға уришса, нариги қулоғидаги чилангарлар тушдан кейин эшитишади. Ўша лавлагини шу қозонда пиширамиз-да.

* * *

Хўжаободлик лофчилар нарпайлик лофчилар билан баҳслашгани келиб, дарвозани қоқишса, бир қизча очибди.

— Отанг қани? — сўрабди бир лофчи.

— Отам бир қоп буғдойни даканг хўрозга ортиб, ўзи ҳам устига миниб, қўшни қишлоққа тегирмонга кетдилар, — дебди нарпайлик лофчининг қизи.

— Қизи шундай бўлса, дадаси билан баҳслашгандан фойда йўқ, — дея ортларига қайтишибди хўжаободлик лофчилар.

Америкалик негр аёл Гиннеснинг рекордлар китобига тушиш ниятида тирноқларини ўстирган ва ниҳоят энг кичик бармоғининг тирноғи 50 сантиметрга етганда, китобга номи киритилиб, 100 минг доллар мукофот ҳам беришган.

Англиядаги энг катта денгизлардан бирида улкан тимсоҳ топилган. Унинг бўйи 10 метр, эни эса 2 метр келади. Қизиғи шундаки, тимсоҳнинг ёши эндигина саккизда экан.

Буюк Британиялик Жон Филлипс сочини 2 метр узунликда ўстириб, Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олган.

Таниқли ёзувчи Жон Свифтнинг Гулливери бўйининг баландлиги билан ҳаммага машҳур бўлса, америкалик икки лилипут эгизаклар бўйларининг пастлиги билан ном қозонишган. Улар бўйларининг пастлигидан ҳечам азият чекишмайди. Чунки уларнинг бўйлари паст бўлса ҳам, даромадлари жуда катта. 1 метрли бу эгизаклар америкалик миллионерлардан саналишади.

Голландиялик Брюс Вилямснинг рекорди ҳам жуда ҳайратланарли. Кўп йиллардан буён илон овлаш билан шуғулланувчи бу одам юзта заҳарли илон қамалган хонага киритиб юборилган ва 10 дақиқадан сўнг ҳеч ерига шикаст етмай, соппа-соғ қайтиб чиққан.

Нилуфар ҲАМИДОВА тўплаган

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Сайриддин ХОЛОВ (масъул котиб)

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0137.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефон: 33-44-25

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5 6